



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА АМАЛДАГИ МУАММОЛАР

Темиров Аббосжон Омонович

Бухоро вилоят суди судья катта ёрдамчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6339668>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi:17-fevral 2022

Ma'qullandi:22-fevral 2022

Chop etildi:27-fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

суд-ҳуқуқ тизими,
2017 йил 7 февралдаги
ПФ-4947-сон Фармони

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада суд тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан жиноят ишларини кассация тартибда кўриб чиқиш тартиби ўзгарганлиги, жиноят процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар туфайли суд амалиётида қонунчилик нормалари ўртасида мазмунан номувофиқликлар ва ҳуқуқий бўшлиқлар юзага келаётганлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар берилган.

Республикада суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд жараёнида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, одил судловни самарали таъминлаш, судлар мустақиллигини амалда таъминлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини



тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш йўналишлари белгилаб берилди.

Зеро, давлат ва жамиятни тубдан модернизация қилишда, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши самарали курашиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади. Бу ҳуқуқ “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”нинг 10-моддасида белгилаб қўйилган. Фақат мустақил судгина ҳар бир фуқаронинг ишини судда холис ва ошкора кўриш орқали бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлигига ишонч уйғота олади. Бу жиҳатдан Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек¹, сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этиш борасида дадил қадамлар қўйилди. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти 29.12.2020 й., Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

Жумладан, судлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида, Судьялар олий кенгаши ташкил қилинди. Шунингдек, Олий суд ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, Олий суд фаолияти такомиллаштирилди. Ҳудудлардаги хўжалик судлари иқтисодий судлар сифатида қайта ташкил этилди, 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш ваколати берилди. Судья лавозимида фаолият юритишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати ва муддатсиз даври белгиланди. Судларнинг ўз молиявий, моддий-техник масалаларини мустақил ҳал қилиш борасидаги ваколатлари адлия органларидан олиниб, Олий судга ўтказилди. Суд томонидан жиноят ишини кўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди. Шахснинг жиноят содир этишдаги айбдорлиги фақат суд муҳокамасида ўз исботини топган далилларга асосланиши кераклиги қатъий белгилаб қўйилди. Қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатлари қатъиян тақиқланди.

Судда ишларни кўриб чиқишда инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлик тамойилини рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институти жорий этилди². Судлар фаолиятининг шаффофлиги, очиқлиги

² Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/664/0014-сон., Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5213898>.



йўлида 10 мингдан ортиқ жиноят иши сайёр суд муҳокамаларида кўриб чиқилди. Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ва дастлабки терговнинг энг юқори муддатлари камайтирилди.

Судьяликка номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш механизми жорий этилганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Илк бор судьялик лавозимига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини онлайн ёритиб бориш амалиёти йўлга қўйилди³.

Шунингдек, судьялик лавозимига биринчи марта тайинладиган номзодларни кўриб чиқиш муқобиллик асосида амалга ошириладиган бўлди. Албатта, малакали ва етук судьялар корпусини ҳамда суд аппарати ходимларини тайёрлашнинг янги тизими жамиятда суд идораларига бўлган ишончни ошириш, адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш, том маънода судни “Адолат кўрғони”га айлантириш ҳамда одил судловнинг юқори даражага кўтарилишига хизмат қилади.

Судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонлар (рейтинг дастури) амалиётга татбиқ этилди. Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида тузилган суд инспекцияси, шубҳасиз, судьялар дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2020 й., 06/20/6127/1609-сон., Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5146554>.

реабилитация асосларига кўра, жиноят иши тугатиладиган бўлди⁴.

Шунингдек, инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишлар фақат иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган бўлди. Прокурорларнинг барча иқтисодий суд мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи бекор қилинди. Энди, бундан буён прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурорнинг даъво аризаси билан қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши мумкин⁵.

Айбига иқрорлик бўйича келишув институти жорий қилинди. У мамлакатда жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигининг татбиқ этилиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояси юқори поғонага кўтарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Бош прокурор ва ўринбосарларининг суднинг қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқи бекор бўлди.

Бундан ташқари, мамлакатнинг суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мавқеини ошириш, айниқса, аёл судьяларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йилда 149 аёл судья фаолият юритган бўлса, 2020 йилда

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/664/0014-сон., Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5213898>.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон., Электрон манба: <https://www.lex.uz/docs/5214169>.



бу кўрсаткич 157 тани ташкил этди. 2021 йилнинг I чорагида мамлакатда жами 1214 нафар судьядан 1053 нафари эркак бўлиб, аёл судьялар 161 та, яъни 15,3% ни ташкил этди. Шунингдек, бугунги кунда олий судда фаолият юритиб келаётган жами 63 судьядан 15 нафари аёл судьялар (31,25%) ташкил қилади.

Ўзбекистон тарихида илк маротаба давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ҳамда ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасида тизим йўлга қўйилди. Конституциявий ҳуқуқни амалда таъминлаш мақсадида яратилган ушбу тизим қисқа муддатда ўз натижасини бера бошлади. Мисол учун, 2019 ва 2020 йиллар мобайнида маъмурий судлар томонидан 31 321 та ариза кўрилиб, шундан 21 272 таси ёки салкам 67,9% и қаноатлантирилган. Жумладан, ҳокимларнинг 2852 та қарори ноқонуний деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Ўтган 4 йил мобайнида 2770 нафар, 2020 йилда 781 кишига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди, 3434 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 5958 фуқарога нисбатан асосиз қўйилган моддалар айбловлардан чиқарилди ёки ўзгартирилди. Бу, шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасида эришилган улкан ютуқлардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар мамлакат учун тамға бўлиб келган “Жаслик” жазони ижро этиш колонияси тугатилди. Ушбу муассасанинг ёпилиши мамлакат сиёсий ҳаёти ва жаҳон ҳамжамияти олдида жуда катта воқеа бўлди. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сонининг 2,5 баробарга камайиши инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим қадамдир.

Шу билан бирга, инсонийлик нуқтаи назаридан, вояга етмаган маҳкумларнинг яқинлари билан учрашиш ҳуқуқига нисбатан бўлган чекловлар бекор қилинди. Маҳкума аёлларнинг ўз фарзандлари билан учрашишининг алоҳида тартиби белгиланди ва маҳкумларнинг учрашувлари ҳамда телефон орқали мулоқотлари сони кўпайтирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан афв этиш тизимининг йўлга қўйилганлиги ва изчил тарзда давом эттирилаётгани мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар инсонпарварлик тамойилларига тўлиқ мос эканига далилдир.

Жумладан, 2017–2020 йилларда жазо муддатини ўтаётган 5 мингга яқин маҳкумга нисбатан афв этиш актлари қўлланилди. Ушбу давр ичида хулқи ижобий таснифланган 67,4 минг маҳкумга нисбатан енгил чоралар қўлланилди.

Хусусан, бу борада 2020 йил давомида Президент томонидан 5 та тегишли фармон имзоланди. Натижада, 616 нафар маҳкум афв этилди⁶. Афв этилган шахсларнинг 274 нафари жазони ўташ муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди, 237 та шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди, 76 нафарига тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди. Афв этилганларнинг 87 нафарини аёллар, 29 тасини чет эл фуқаролари, 290 нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этди.

Зеро, асосий қомусимиз ва унинг

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармониغا шарҳ. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3347>.



асосида қабул қилинган бошқа қонунлар билан инсон ва фуқароларга берилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш давлатимиз томонидан кафолатланган. Бу Конституциямизнинг 44-моддасининг мазмунида ўз ифодасини топган. Ушбу модданинг мазмунига кўра, "Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш мумкин." Бу ҳуқуқ асосий қонунимиз асосида кафолатланган ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини реал таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга суд ҳокимияти мустақиллигини, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслигини таъминлашга оид қатор ислоҳотлар ўтказилди ва бу жараён тизимли давом эттирилмоқда.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси⁷да суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, соҳада юз берган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилингани жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворида айланаётганини таъкидлаб ўтди.

⁷ Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 30 декабрь, 276 (7778)-сон

Мурожаатномада қайд этилганидек, суд тизимига жорий этилган **"Бир суд – бир инстанция"** тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июль куни "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034 сонли Фармон⁸нинг имзоланиши бу соҳада яна бир муҳим қадам бўлди. Фармонга мувофиқ, суд ҳуқуқ тизимида 2021 йилнинг январидан бир қатор ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Суд қарорларини текшириш жиноят суд иш юритувининг муҳим аҳамиятга эга институти бўлиб, уни амалга ошириш орқали қонунийликнинг бузилиши, асоссиз ва адолатсиз ҳукм, ажрим ва қарорларнинг чиқарилиши билан боғлиқ суд хатолари бартараф этилади.

Фармонга асосан, суд босқичларини бекор қилиш орқали "Бир суд – бир

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034 сонли Фармони URL: <https://lex.uz/docs/4910826> (05.10.2021 й.)



инстанция” тамойили жорий этилди. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилди. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса тугатилди.

Бундай тартибнинг ўрнатилиши оқибатида эса судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаб, фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олди олинади. Эндиликда, фармон билан юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларнинг аниқ ечимига қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратилиб келинмоқда.

Бугунги кунда суд тизимидаги ушбу ўзгаришлар билан бир қаторда, жиноят процессуал қонунчилигига киритилаётган ўзгартриш ва қўшимчалар туфайли қонунчилик нормалари ўртасида мазмунан номувофиқликлар ва ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги кузатилади.

Жумладан, суд тизимида жорий қилинган **“Бир суд - бир инстанция”** тамойили Олий суд фаолиятига амалда тадбиқ қилинмаган кўринади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда янги таҳрирда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўз ваколатлари доирасида ишларни **биринчи, апелляция ва кассация** инстанцияси суди сифатида, шу жумладан кассация инстанцияси судида такроран, шунингдек

янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади”⁹ деб қайд этилган.

Ушбу қонун нормаси “Бир суд – бир инстанция” тамойилига зид бўлиб, бугунги кунда амалиётда Олий суд фаолиятида иш ҳажмининг ошиб кетиши оқибатида, одил судловни амалга ошириш, жиноят ишларини қонуний муддатларда кўриб чиқишда ва тайинланган суд мажлисларини ўз вақтида бошлашда қийинчиликларни вужудга келтирмоқда.

Статистик таҳлилларга кўра, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2021 йилнинг 9 ойи давомида жами 10 932 (7 700) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган. Шикоят (ариза)ларнинг 9 319 (6 584) таси ёки 85,2 (85,5) фоизи ўрганиб чиқилган, 7 209 (1 101) таси ёки 77,3 (16,7) фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 1 776 (5 182) тасини ёки 19,1 (78,7) фоизини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган. Судлов ҳайъати судьялари томонидан биринчи, апелляция, кассация ва такроран кассация инстанцияси судида 5 419 (907) та жиноят иши, шундан 1 та биринчи инстанция судида, 223 та апелляция инстанцияси судида, 4 903 та кассация инстанцияси судида, 55 та такроран кассация инстанцияси судида, 237 та ҳарбий ва махфий ишлар кўриб тамомланган.

Мазкур кўрсаткичлар судлар фаолиятида “Бир суд — бир инстанция” тамойили асосида иш юритиш тартиби жорий этилгандан сўнг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилиши ортганлиги (907 тадан 5 419 тага ёки 6 бараварга), шу жумладан, шикоят (ариза,

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, 28.07.2021 йилдаги ЎРҚ-703-сон



мурожаат ҳамда протест)ларнинг жиноят иши хужжатлари асосида синчковлик билан, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш кўрсаткичлари кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра, “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.”¹¹

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси¹² 27-моддасига кўра, маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан **апелляция ёки кассация** тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги қайд этилган бўлсада, ушбу кодекснинг 498-моддасига мувофиқ биринчи инстанция судининг **апелляция тартибида кўриб чиқилган** ҳукмлари, ажримлари, шунингдек апелляция инстанцияси судининг ҳукмлари, ажримлари кассация тартибида қайта кўрилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Ушбу нормалар мазмунидан келиб чиқиб, ЖПКнинг 27-моддасида назарда тутилган процес иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан тўғридан-тўғри кассация тартибида шикоят бера олмаслиги,

фақатгина апелляция тартибида кўриб чиқилган ишлар юзасидан кассация шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, агар ўз муддатида апелляция тартибида шикоят қилинмаган тақдирда, келгусида мазкур иш бўйича кассация тартибида шикоят қила олмаслиги назарда тутилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 497³⁴-моддаси мазмунига кўра, апелляция инстанцияси судининг биринчи инстанция суди ажрими устидан берилган хусусий шикоят (протест) бўйича чиқарган ажрими узил-кесил ҳисобланиб, ҳукм чиқарилгандан сўнг қабул қилинган суд ажримлари (жазони шартлилигини бекор қилиш ва ҳ.қ.), шунингдек, амнистия актини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалалари юзасидан берилган хусусий шикоят (протест) кассация инстанцияси суди томонидан кўрилмаслиги қайд этилган.

Мисол учун, жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди томонидан шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси¹³ 168-моддаси (Фирибгарлик) билан айбли деб топилиб, унга нисбатан озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

Жазони ижро этиш жараёнида, маҳкум жазони ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги сабабли, унга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан, озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилади.

Биринчи инстанция судининг жазони алмаштириш ҳақидаги қарори апелляция тартибида кўриб чиқилиб, ўз кучида қолдирилди. Шундан сўнг, маҳкум жиноят иши бўйича жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплади.

¹⁰ URL:<https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/01/.pdf>

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент: —Адолат, 2018й. – 428б.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2018. – 396 б.



Ушбу вазиятда, маҳкум биринчи инстанция суд ҳукми устидан апелляция тартибида шикоят бермаганлиги сабабли кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Бундан ташқари, маҳкум ЖПКнинг 497³⁴-моддаси талабидан келиб чиқиб, суднинг тайинланган жазони оғирроқ жазо турига алмаштириш ҳақидаги қарори устидан келтирилган шикояти ҳам кассация тартибида кўриб чиқилмайди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасининг 5-қисмига кўра, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ушбу вазиятда, шахснинг мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланиши оқибатида, етказилган зарарни қоплаб туриб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташга мажбур бўлади.

Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари кассация тартибида қайта кўрилиши мумкинлиги тўғрисидаги ўзгартириш киритилгандан сўнг жиноят ишларини апелляция тартибида кўриб чиқиш ҳажми сунъий равишда ошиб кетганлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотларига кўра, 2020 йил 1-чорагида Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьялари томонидан жами кўрилган жиноят ишларидан 833 нафар шахсга нисбатан жиноят иши апелляция тартибида кўрилган бўлса, 2021 йилнинг шу даврида 1548 нафар шахсга нисбатан жиноят иши апелляция тартибида кўриб чиқилган.

Шунингдек, 2020 йил 1-чорагида Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлари судьялари томонидан жами кўрилган жиноят ишларидан 51 нафар шахсга нисбатан жиноят иши апелляция тартибида кўрилган бўлса, 2021 йилнинг шу даврида 128 нафар шахсга нисбатан жиноят иши апелляция тартибида кўриб чиқилган¹⁴.

Ушбу статистик маълумотлардан апелляция тартибида шикоят қилиш 2 баробарга ошганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга сабаблардан бири сифатида ЖПКнинг 498-моддасига киритилган ўзгартиришни келтиришимиз мумкин. Яъни жиноят ишини кассация тартибида кўриш учун, жиноят иши апелляция тартибида кўрилган бўлиши лозимлиги тўғрисидаги ўзгартириш киритилгандан сўнг, судланувчилар ва уларнинг адвокатлари томонидан келгусида кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқини йўқотмаслик учун ҳам апелляция тартибида шикоят қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Шунингдек, ЖПКнинг 497⁵-моддасига кўра, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати **узрли сабабларга кўра** ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Бироқ, шикоят бериш ёки протест билдириш муддатини ўтказиб юбориш қайси ҳолларда узрли деб топилиши, узрли деб топиш ҳақидаги илтимосномани қанча муддат мобайнида берилиши мумкинлиги қонунчиликда белгиланмаган.

¹⁴ URL: https://stat.sud.uz/file/2021/7-08/jib_2021.pdf (05.10.2021 й)



Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар судларни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Аммо қонунчиликдаги ушбу қарама-қаршиликлар ва бўшлиқлар мавжудлиги фуқароларнинг мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларини чекланишига сабаб бўлиб, келгусида амалиётда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- Ўзбекистон Республикаси суд тизимида алоҳида минтақавий кассация судларини ташкил этиш;
- ЖПКнинг 27-моддаси иккинчи қисмига қуйидагича ўзгартириш киритиш:

*“Маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан апелляция ёки **апелляция тартибида кўриб чиқилгач** кассация тартибида*

шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидир”

- ЖПКнинг 497³⁴-моддасини қуйидаги тарзда 6-банд билан тўлдириш:

“Айни бир пайтда айблов мазмуни ёки суд ҳукмининг қонунийлиги ва асослиги бўйича бошқа масалалар юзасидан келтирилган хусусий шикоятлар бундан мустасно”

- Апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш муддатини ўтказиб юбориш қайси ҳолларда узрли деб топилишига аниқлик киритиш лозим.

- ЖПКнинг 497⁵-моддасини қуйидаги тарзда 2-банд билан тўлдириш:

*“Ўтказиб юборилган апелляция шикояти (протести) бериш муддати шикоят (протест) бераётган шахсинг илтимосномасига кўра, башарти илтимоснома апелляция шикояти (протести) бериш муддати ўтган кундан эътиборан **уч ойдан кечиктирмай** берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли деб топилса, тикланиши мумкин.”*